

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИГ ОИЛАДА СОДИР ЕТИЛАДИГАН ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ФАОЛИЯТИ

Абдусаламов Жавоҳир Ўткиржон ўғли

Оила бу муқаддас даргоҳ ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси асосий қонуни бўлмиш Консититутсияда Оила нормаси ҳам киритилиб ўтилган бўлиб унга кўра “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига ега” дея белгиланганлигини кўришимиз мумкун. Ҳозирги кунги мустақил давлатларнинг қонунчилигидан асосий фарқли жиҳатлари ҳам шу Оила нўрмасини қонунимизда акс етганлигидадир. Оилада зўравонлик тушунчаси ўзбек тилида ҳуқуқий истилоҳ сифатида ендиғина кириб келаётган янги атама ҳисобланади. Аммо ушбу жараён халқимизга азал-азалдан кенг даражада муаммо туғдириб келмоқда. У патириарҳат тушунча асосида жамият ҳётига ва айрим инсонлар онгига кириб келган ва инсонлар онига сингиб кетган яширин иллатлардан биридир. Оиладаги зўравонлик бу ер-ҳотин ёки оиладаги бошқа икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар ўртасида юзага келади ва бундай ҳолларда зўравонлик жисмоний, руҳий ёки молиявий зўравонлик шакилларида намаён бўлади. Одатда, бу турдаги зўравонлик остида бир томоннинг оиладаги бошқа аъзоллар ҳаётида устидан назоратда ушлаб туришга бўлган интилиш ётади. Ўзбекистон Республикасининг 1995-йилда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакилларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенсия ратификация қилинган. Шу давирдан бошлаб Ўзбекистон БМТ қошидаги инсон ҳуқуқлари Қўмитасига ушбу конвенсияда кўтарилган масалалларни амалга ошириш юзасидан уч маротаба ҳисбот берган.

Бугунги кунда жамият ва оилада соғлом барқарор ижтимоий манавий муҳит, тинчлик тотувликни таъминлаш ва нотинч оилалларга, айниқса шундай оиладаги хотин-қизларга, манзилли кўмаклашишни ташкил етиш давлатимиз ва ҳукуматимиз миқиёсида кун тартибидаги асосий масалалардан бири айланди ва олдинги давирга қараганда жиддий еътибор берилиши еса ўзини таъсирини кўрсатмоқда. Оиладаги зўравонликларга барҳам бериш борасида бир қанча норматив ҳуқуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигига қарамасдан, жамиятимиздаги оилалларда зўравонлик иллатлари мавжуд. Оиладаги зўравонликнинг мавжудлиги, ҳар қандай жамият учун инсон ҳуқуқларини поймол қилиш билан боғлиқ бўлган жуда жиддий муаммо саналади. Оилада содир етиладиган зўравонликларни олдини олишда ҳудуд “профилактика инспекторлари” ва албатта маҳалларининг жалб қилиниши яхши амалиёт, сабаби маҳалла вакиллари орасида оилавий муаммолар муҳокама қилинса ва томонларга тўғри ва етарли насиҳат қилинса, “профилактика инспекторлари” томонидан оила иштирокчилариниг бундай ҳатти-ҳаракатлари қонуний жавобгарликни келтириб чиқариши мумкнлиги ҳақида тушунтириши муаммони

кучайишини олдини олиш ва натижада зўравонликка чек қўйиш мумкин. Оиладаги зўравонликни олдини олиш олиш бўйича ҳудуд “профилактика инспекторларлари”нинг фақатгина бир ўзи емас балки бошқа давлат органлари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳамкорликда ушбу фаолиятни ташкил этиши лозим саналади. Бу борада профилактика инспекторларлари ўз ҳудудида ижтимоий жиҳатдан носоғлом оиласарни билиши үлларни рўйхатга олиши ва тегишли профилактик чора-тадбирларни кўриш лозим саналади.

24-ноябрь дунё бўйлаб аёлларга қарши зўравонликка барҳам бериш куни етиб белгиланган. Ўзбкуистрон Республикаси ИИВ Пўлат Бобожонов 2021-йилда қотиллик жиноятининг ҳар учинчиси оиласавий муамоллар туфвайли содир етилганлигини такидлайди. Оллий мажлис Сенатаи ахборот хизмати маълум қилишича, 2021 йилда содир етилган жиноятлар умумий сони 84 100 тани ташкил етиб, ҳар 100 минг аҳолига ўртacha 321,4 тадан тўғри келмоқда. “оиладаги нотинчлик, низоларининг ўз вақтида ҳал етилмаслиги, маҳалла фволлари ва кенг жамоатчиликнинг еътиборини четда қолганлиги оқибатида ўта оғир жиноятлар содир ктилмоқда”, дейилади вазир ҳисотида. Ўзбекистон Республикаси Мазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-Қизларни тазийқ ва зқравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги З-сон Қарори қабул қилинди ва ушбу қарор оиладаги зқраврнилкни олдини олиш ва айниқса Хотин-қизлар ҳуқуқларини ва манфатларини ҳимоя қилишда ўзини етарли даражадаги тасири акс етмоқда. Шу сабаби Пирофилактика инспекторлари томонидан Оиладаги турли ҳил зўравонликлар натижасида Хотин-қизларни зўравонликлардан ҳимоя қилиш мақсатида бир ойлик муддатга Ҳимоя ордери берилиши белгиланиб ўтилди. Ушбу қонунда белгиланишича профилактика инспекторлари Оилада тазийқ ва зўравонлик аниқланган вақтдан еътиборан 24 соатдан кечиктирмай 30 кунлик муддатга ҳимоя ордерини бериши белгиланган.

Оилада зўравонлик содир етган шахсни жавобгарликка тортиш жараёни давомида профилактика инспекторлари жабирланувчиниг хафсизлигини ва ҳимоясини таъминлаши, унга зарур ёрдам кўрсатиши ва йўналтириши маълумот алмашинувини ва бошқа барча босқичларни мувофиқлаштириб бориши зарур. Оилада содир етиладиган зўравонликларни олдини олишда профилактика инспекторлари профилактиканинг тўртинчи тури яъни викитималогик профилактикани қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Оиладаги зўравонликнинг викитималогик профилактикаси чора-тадбирларида виктимоген омилларни аниқлаш, бартараф этиш, зарарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтириш, виктиълик даражаси юқори бўлган шаҳсларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади. Оиладаги зўравонликнинг викитималогик профилактикаси ушбу йўналишда фволият олиб борувчи субъектлар томонидан қўйдаги йўналишлардаги чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим:

■ оила иштирокчилари зўравонлик факти ҳақида ёки ўзига нисбатан таҳдид ва тажовузлар содир етиш ҳолатлари юзага келгандан албатта профилактика инспекторларига ҳабар бериш;

■ низоли ҳолатлар ва фуқароларнинг ғайри ижтимоий ҳулқ атвори ва ҳатти-ҳаракатларига нисбатан лоқайд бўлмаслиг;

■ соғлиқни сақлаш муассаларига мурожжат қилиш ва биринчи тиббий ёрдам олишни таъминлаш;

■ оиласидаги зўравонликдан жабирланган шахсларни вақтинча хафсиз жойда бўлишлари учун илгари қисқа рақамли “1259”, “1146” – ишонч телефонига мурожжат етиш мумкунлигини ва мавжуд муаммога тегишли ечим олиши ҳақида тушунтириш;

■ оиласидаги низоларни ижобий хал қилиш оила аъзолари ўртасида бузилган ижтимоий муносабатни тиклаш ва бошқа оилавий масаллалар юзасидан психологик ёки ҳуқуқий маслаҳат олиш.

Ижтимоий жихатдан носоғлом бўлган оилалар билан профилактика инспектори оиласидаги зўравонликни олдини олишда енг аввало ғайртижтимоий хулоқ атворга ега, ҳуқуқбузарлик содир етишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир етган шахслар билан тарбиявий аҳамиятга ега бўлган профилактика ишлари ташкил етилиши лозим. Оиласидаги зўравонликни таъсири натижасида айёллар асосан жабр кўрмоқда. Бу кўплаб айёлларни ҳуқуқлари топтлишига, сабаб бўлмоқда. Ҳозирги кунда ҳудудда яшовчи ижтимоий жихатдан хафли аҳволда бўлган оилани ўз вақтида аниқлаб, уларга ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий жихатдан ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарлик содир етишга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаб, улар билан манзилли профилактика ишларини ташкил етиш, ҳар бир содир етилган ҳуқуқбузарликларни сабаб ва шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш майший зўравонликнинг олдини олиш борасидаги муҳим қадам ҳисобланади. Ҳечким жиноятчи бўлиб туғилмайди фақатгина носоғлом муҳит таъсирида жиноятчига айланиб боради. Оилавий зўравонликни ҳеч қандай шароитда оқлаб бўлмайди, чунки у инсоннинг асосий ҳуқуқлари даҳл қиласи. Зўравонлик фақатгина жисмоний куч ишлатиш билан емас, руҳий, ахлоқий, иқтисодий ва майший босим кўринишларда намаён бўлиши ва оиланинг ҳар қандай аъзосига нисбатан қўлланиши мумкун. Ҳақоратлаш, мажбурлаш, зўрлаш, иқтисодий чекловлар қўйиш, мунтазам руҳий қийноққа солиш каби ҳолатлар хам зўравонлик сифатида баҳоланади. Оилавий зўравонликнинг енг оғир салбий томони фарзандлар руҳий ҳолатига ва ахлоқига йетказиладиган жиддий заардир. Кўпинча, болаларнинг ўзи ҳам оилавий зўравонлик қурбони бўлади. Оиласидаги етиладиган зўравонликни олдини олишда унинг оқибатларини бартараф етишда профилактика инспекторлари муҳим аҳамият касб етади. Қонун фуқароларни зўравонликнинг ҳар қандай туридан ҳимоялайди.